

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**«ЎзЭлектротерм»**  
**очик акциядорлик жамияти**  
**акциядорларининг 2014 йил “22” августдаги**  
**умумий йиғилиши қарори билан**

**«ЎзЭлектротерм» акциядорлик жамиятининг**  
**Кузатув кенгаши тўғрисида**

**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар.**

1. Мазкур Низомда акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашини (кейинги ўринларда матнда «Кузатув кенгаши» деб юритилади) ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

2. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва уставда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

Овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар сони ўттиздан кам бўлган жамиятда жамият уставида Кузатув кенгаши функциялари Акциядорлар умумий йиғилишига юкланиши мумкин. Ушбу ҳолда жамият уставида Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш ваколатига тегишли бўлган жамиятнинг муайян шахси ёки органи тўғрисидаги кўрсатма мавжуд бўлиши керак.

3. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби уставда ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар сони 500 дан ортиқ бўлган очик акциядорлик жамияти учун Кузатув кенгашининг сон таркиби еттига аъзодан кам бўлиши мумкин эмас, оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар 1000 дан ортиқ бўлган жамият учун эса камида тўққизта аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

**II. Кузатув кенгашининг ваколатлари.**

4. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:  
жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;  
акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;  
акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;  
акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;  
жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий

йиғилиши томонидан жамият кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш, агар бу жамият уставига кўра акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра қуйидагилар жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

жамиятнинг устав фондидан (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондидан (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва тайинлаш.**

5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисини сайлаш қонунда ва жамият уставига назарда тутилган тартибда бир йил муддатга Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

6. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра;

7. Жамият ижро этувчи органи аъзолари Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг фаолиятини уларнинг ушбу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича фаолияти билан қўшиб олиб боришига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгашига қонунда назарда тутилган тартибда ушбу жамиятнинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

8. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар устав ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

9. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки уларни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига бир неча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

10. Овозларнинг энг кўп сонини олган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

11<sup>1</sup>. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

11<sup>2</sup>. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки овозларни икки ёки ундан кўп номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

#### **IV. Кузатув кенгаши раиси.**

12. Жамият Кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир, агар жамият уставида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

14. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси, агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

15. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

16. Кузатув кенгаши раиси, агар Кузатув кенгашининг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юкланмаган бўлса, яқка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган директори билан тузилган шартномани жамият номидан имзолайди.

#### **V. Кузатув кенгаши мажлиси.**

17. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раисининг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, жамиятнинг ижро этувчи органи, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақиради.

Жамиятнинг уставида Кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва уни ўтказиш тартиби белгиланади. Кузатув кенгаши мажлиси, қоидага кўра, йил чорагида камида бир марта тўпланади.

18. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, бироқ у жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

19. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув

кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

20. Жамият Кузатув кенгаши мажлисидаги қарорлар, агар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ва жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

21. Жамият Кузатув кенгаши бир аъзосининг овозни Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

23. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

## **VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

25. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашида ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

26. Кузатув кенгашининг жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатув кенгашига битишув тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатув кенгаши томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда Кузатув кенгаши аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Кузатув кенгашининг ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди.

27. Кузатув кенгаши аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффилияция қилинган барча шахслари:

бундай битишувнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

битишувларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизига эга бўлсалар:

битишув томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар.

28. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

29. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

30. Кузатув кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

### **VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.**

31. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

32. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга муурожаат қилишга ҳақлидир.